

*Файзи гадову шох аро мунташир,*

*Хизматига шоху гадо муфтахир.*

*Алишер Навоий*

1

Шарк мумтоз шеърияти дунё бадиий тафаккурининг ўз жозибасига сохиб, кудратли марказларидан бири. Жахонга шухрат таратган улуг шоир-санъаткорларнинг аксарияти Шарк шеърияти намояндалари эди. Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий улар даврасида алохида мавке ва эътиборга эга.

Жомий – шоир, адиб, олим, мусикашунос, адабиётшунос, муаррих, файласуф, мутасаввиф. Хазрат Жомий кенг камровли ижодиётида Рудакийдан бошлаб то Хофиз ва Камол Хўжандийгача бўлган сўз санъаткорлари анъаналарини ижодий давом эттириб, форс-тожик шеъриятини янги поғонага кўтарган эди. Жомийдан кейин бадиий ижод тажрибасини теран илм ва ирфон, қоядай сарбаланд бутун шахсиятдан айри холда тасаввур қилиш мумкин бўлмади.

“Султон Хусайн Мирзонинг замони, - дейди Захириддин Мухаммад Бобур, - ажаб замоне эди, ахли фазл ва беназир элдин батахсис Хири шаҳри мамлу эрди. Хар кишининг ким бир ишга машғуллуги бор эди, химмати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай.

Бу жумладин бир Мавлоно Абдурахмон Жомий эдиким, зохир ва ботин улумида ул замонда ул микдор киши йўк эди. Шеъри худ маълумдир”.

Асрдош ва издошларнинг Абдурахмон Жомийга берган таъриф, тавсиф ва бахолари бир жойга жамланса, наинки ўз замонида, ундан кейинги даврларда ҳам Жомийга тенг, Жомийнинг жойини эгаллашга муносиб Шахс таваллуд топмаган, деган хулосага келиш шубҳасиздир. Жомий шу кадар беназир, шу даражада ноёб шахсият. Алишер Навоий устозининг шаъни-шавкати улуғловчи мана бундай сўзларни айтганда тўла ҳақ эди:

Ё раб, бу маоний дуррининг уммони,

Бу донишу фазл гавхарининг кони.

Ким айладинг они олам ахли жони,

Олам элига бу жонни тут арзоний.

Кўп шоиру адиблар ижодга ўзларича кизиқиб кетиб, нафсни таниш, ранж ва машаккат оташида товланиб шахсият яратишни умуман ҳаёлга ҳам келтиришмайди. Кўплаб майда “менча”лар хархашасидан кутулмаган “Мен” синиб, албатта парчаланаяди. Холбуки, ижодкорнинг биринчи вазифаси ёзишни ўйлаш эмас, ёзадиган одамнинг (ўзининг) бутунлиги, ҳақиқий хурлигини тўғри аниқлашдир. “Жамиятбоп” ёзувчи бошданок мағлубиятга маҳкум. Маҳдудликдан у эрк ахтаради, ожизликни куч, фанони бако дея тасаввур этади. Хурлик мақомига юксалиш беҳад огир, гоятда мураккаб иш. Бу хусусда кенг мушоҳада юритган Азизиддин Насафий шундай дейди: “Барча инсонлар бу оламда зиндондандирлар. Пайгамбар, вали, султон, малик – ҳамма-ҳаммаси боғланган. Баъзисининг бир, айримининг икки, бошка бировининг ўн, яна бирларининг юз, баъзисининг эса минг занжири бордир. Бу жаҳонда занжир-тузоксиз одамнинг ўзи йўк. Аммо бир занжирли минг занжирлига нисбатан эркин, азоб ва изтирби ҳам унинг озрокдир”.

Дарҳақиқат, ўтар дунёда ҳар ким ўзича бир нимага мубтало: кимдир мавке ва мансаб

учун рохат-фарогатини фидо айлайди, кимдир обрӯ ва амалдан ажралгани учун изтироб чекади; биров бой-бадавлат экан, кашшокликка йўликкач, ўзини-ўзи кийнайди. Кимлардир шон-шухрат шавкида бошкаларни ер билан яксон айлашга уринади. Хирс, тама домига илинганлар канча. Хосидлар фитна ва гавго кўзгаб ниятга эришиш харакатидан кайтмайди. Кимдир хамма нарсага кўл силтаб риндлик кадахини кўлдан кўймайди... Хуллас, кўпчилик ахамияти паст турфа-турфа эхтирос асири, яъни кўзга кўринмас занжирга боглик. Демак, яхшилик билан ёмонлик, тўгрилик билан эгриликни фарклаш хам нисбийдир. Нега шундай? Бунинг туб сабаби нимада ва нимадан бошланиб, нима билан тугайди? Муслмон шоирлари орасида бадиий ва илмий асарлари, шахсий хаёт тажрибалари оркали ушбу саволларга тўлаконли жавоб бера билган мутафаккирлардан бири Абдурахмон Жомий эди.

Умрест, ки ба хазор ман хастии ман,

Ман мегўям, вале надонам “ман” чист?

Мазмуни: Бир умрки, менинг мавжудлигим минг манда кечади. Ман дейман, аммо “ман” нима? Билмайман.

Содда килиб айтганда, Жомий ижодиётининг ўзак гоёси Ишк. Хакикий ишк нури, завк-шавки ила басиратни очиш. Кўнгил назарини маъно, мохият оламига каратиш.

Ўз жамолига назар ташлаб, тамошо килди ишк,

Ном бериб, ошик ила маъшукни пайдо килди ишк.

Эрди ошик ботину маъшук зохир, этди акс,

Сирри ботинни зухур айлаб, хувайдо килди ишк.

Ўзида ул ўзни кўрди, жилвалар кўрсин дебон,

Сену менга бир ажиб миръоти дунё килди ишк...

Чинакам софлик – Дилдаги софлик. Рухда, кўнгилда гўзаллик бўлмаса, зохирий гўзалликлар шуурга кенг йўл очиб беролмайди. Хазрат Жомийнинг “гул жамоли”дан “дил жамоли”ни устун кўйиб, мунаввар кўнгил хусни билан дунёни хайрон колдир, дейишида олам-олам маъно яширинган:

Жамоли дил талаб кун, не жамоли гул, ки гар чун хур –

Жамоли дил шавад тобон, шаванд офок хайронаш.

Абдурахмон Жомий рухониятида гўё замин ва само, гайб ва шаходат олами бирлашиб, ажралмас бир уйгунлик касб этган. Жомий тасвирларида рух бир шуъла, бир нур ва бир зиёдир. Рух, шаклан гох кирмизи, гох кора, гох ок ё сарик ўларок турли-турли рангларда кўринади. Бундай вақтларда у моддани тамсил этади. Зеро, рухга ранг бергувчи моддадир. Рух учун вақт, замон деган чегара йўк. Хаёл, тафаккур сингари парвози кўп осон ва енгил. Тафаккур каерда бўлса, рух ҳам ўша ерда. Англайдиган, хатосиз тушунадиган рух бўлиб, тафаккур унга эргашувчи. Модда рухга тўсик бўлмайди. Рух хамма жойга бора олади, хаводан, сувдан, олов ва тупрокдан бемалол ошиб ўтади. Рух бўлиниб парчаланмайди, лекин куёш хар томондан кўринганидек, рух ҳам айна бир пайтда турли жойларга парвоз айлашга кодир. Жомий нуктаи назарида маъно эътибори ила инсон улуг олам бўлгани боис Оллох уни хаёт, илм, ирода, кудрат, хис этиш, кўриш, калом каби ўзининг сўнгсиз сифатларидан бир канчасига шерик этган ва ўзини инсонда шу сифатлар ила билган, билдирган. Комил

инсон, бу оламнинг рухи ва олам унинг жасади янглигдирки, доимо рухни ахтаради, излайди, орзу килади. Шунинг учун инсоннинг биринчи ва асосий вазифаси, маънавий-ахлокий бурчи нафсу шахват офатларидан кутулмоқдир. Хар каердаки нафс ва шахват сели тўфон килса, бахту икбол хонаси хам барбод бўлур, дейди шоир:

Сели шахват хар кужо тўфон кунад,

Хонаи икболро вайрон кунад.

Жомий оламини билган – Хакни хам, халкни хам билади. Жомийни ўкиган ва тушунган – хакикатнинг зохирина хам, ботинини хам тушунади. Кўнгил заволини хам, камолини хам хис килади.

2

Нуриддин Абдурахмон Жомий 1414 йил 7 ноябрда Жом вилоятининг Харжард касабасида тугилган. Жомийнинг бобо-бобокалонлари насл-насаби тоза, обрў-эътибори юксак зотлар бўлишган. Алишер Навоий Жомий вафотидан сўнг устозига багишлаб ёзилган “Хамсат ул-мутахаййирин” асарида бу ҳақда, “Аларнинг олий насаблари имом ул-мухтаидин Мухаммад бинни Хасан бинни Абдуллох бинни Товус бинни Хурмуз Шайбонийга борурким, Хурмуз бани шайбон кабиласининг малики эрмишким, Багдодда салтанат килибдур...”, деб ёзади. Шоирнинг отаси Низомиддин Ахмад эса дин ва шариат илмининг пешволаридан эди. Илк тахсилни Жомий отасидан олган, гўдакликдаёқ ўқишни ўрганган. Навоийнинг кайд килишича, у “тўрт ё беш ёшларида” мактабга катнай бошлаган. Лекин кўп ўтмай Жомийнинг оиласи Жомдан Хиротга кўчиб келишади. Бунинг сабабини Навоий шундай изоҳлайди: “Бори кичик ёшидин шабоб ахдининг авойилигачаким (йигитлик даврининг бошланишигача), Жом вилоятида эрмишлар – аларга фойда еткурур киши оз топилгон жихатидин:

Куёш ул навъки магриб сори,

Ё Наби уйлаки Ясриб сори,

шахрга азимат килибдурлар...”. Хар бир иш ва хунарни камолга етказиш, талантни тўла рўёбга чикаришга рағбатлантирувчи, илм ва ижодни кўллаб-қувватлаш билан танилган Хирот Жомийни кучок очиб каршилайти. Илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт бешикларидан бўлган бу муаззам шаҳардаги номдор мадрасаларда Жомий илм ўрганишга киришиб кетади. Киска муддатда наинки зохир илми, ботин илмида, хусусан, тасаввуф жабхасида кўп билим эгаллашга эришади. Аммо шеърдан йироклашмайди. Илм ва ирфонни шеърият хизматида сафарбар этишнинг энг таъсирчан йўллари, табиий, кўркем усулларини излайди. Фикр хаёти, рух завки, кўнгил зиёсини Жомий хар нарсадан – хаттоки, маърифатдан ҳам афзалроқ кўради:

Маориф гар чу мў борик бошад,

Чй хосил з-он чу дил торик бошад?

Мамуни: Маърифат сочдай нозик бўлса-да, юрак агар корайган эрса, ундан нима натижа чиқади?

Жомий рубоийларидан бирида, каердаки хона эшигидан даъво кириб келса, маъни шитоб билан туйнукдан чикиб кочади дейди:

Хар жо зи дари хона даромад даъвй,

Маъни ба шитоб аз рахи равзан бигурехт.

Шоирнинг ўзи эса бутун умри мобайнида даъво, иддао, шахсий гараздан фориғ яшаган. Тафаккур, амал, муносабат, меҳр-мухаббат холислигида Мавлоно Жомий само

кишисидай таассурот колдиради. У одам ва одамиятга нисбатан душманлик, беписандлик, золимликни умуман кабул килолмайди. Унингча, бошқаларга хаксизлик ўтказиб, уларга паст назарда караш итлик ва йирткичлик. Бу итлик ва йирткичликка сабаб аклсизлик:

Хашм бо дигарон сагиву додйист,

В-ин сагиву додй зи бехирадйист.

Агар одамийлик кўз, огиз, эшитиш ва кўриш билан белгиланса, девор накшлари билан инсонийлик ўртасида ҳеч фарк колмайди. Чунки еб, ичиб, ётиб, газаб ва нафсга кул бўлиш инсонийлик олаmidан беҳабар, жahl зулматидан ҳеч кутулолмайдиган хайвонга ҳам хосдир:

Агар одамий ба чашм асту дахону гўшу бини,

Чи миёни накши девору миёни одамият.

Хўру хобу хашму шахват шагабасту жahlу зулмат,

Хайвон хабар надорад зи жахони одамият.

Улкан ижодий шахсият хар канака шароит, жон эзувчи хар кандай вазиятда ҳам катта орзу-умид, ёруг хаёллар билан яшайди. Бу холат уни баъзан хилват ё узлатга ундаса, гоҳо сафар ва саёхатларга чорлайди. Жомий Туркистонни “каъбаи максуд” (бунда албатта Яссавий, Баховуддин Накшбанд, Хожа Ахрор каби тарикат пирлари ҳам назарга олинган) деб таърифлаган эди:

Жомӣ, аз хоки Хуросон чӣ кунӣ азми Хижоз,

Чун туро каъбаи максуд ба Туркистон аст.

Хуллас, Жомӣ билимини такомиллаштириш учун Самаркандга йўл олади. Улугбек мадрасасида ўқишни давом эттиради. Умумий маълумотларга кўра, машхур конуншунос олим хожа Фазлуллох Абулайс, буюк мунажжим Козизода Румий ёш толиби илмнинг қобилияти ва заковатига юкори баҳо берадилар. Султон Улугбек хузуридаги бир йигинда Козизода Румий “Жомӣ каби баланд истеъдодли йигит ханузгача Амунинг нари ёгидан келмаган эди”, деган экан. Самарканд хаёти, Самарканд илмий-адабий мухити Жомӣнинг дилида ўчмас из қолдирганди. Самарканд унинг илмига илм қўшиб, инсоний фазилатларининг бойиши ва теранлашувига эркинлик берганди. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш керакка ўхшайди. Самаркандда ҳам, кейинроқ Хиротда ҳам бир неча маротаба Жомӣни сарой хизматида таклиф қилишади. Шоир эса бу таклиф ва илтифотларни қатъиян рад этади. Чунки у ўзининг тарихий вазифаси ва бурчини беками қўст адо айлаш, виждон хотиржамлиги, қалб хуррияти, фикр эркинлигини сақлаб қолиш учун илмдан, адабиётдан ўзга бир “майдон”ни тасаввур қила олмасди. Бу эса илм, ижод, санъат одами учун энг асосийси. Зеро, эркинлик кетса, дардисар ташвишлар, эътиқодни бузиб, иродани емирувчи хар турли бало-қазолар ўз-ўзидан бостириб келаверади. Шунинг эътиборига олиб бўлса керакки, мутафаккир шоир “Юсуф ва Зулайхо” достонида ўғлига қаратилган насиҳатларида, мансаб эшигига асло яқин йўлама, “ки аз хар мансабе бемансаби бех” – “хар қанақа мансабдан мансабсизлик яхши” деб ёзади.

Навоийнинг вазирлик мансабини тарқ қилиб, саройдан кетишга қарор айлаганлигини билган Жомӣ ундан бунинг сабабини сўрайди. “Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин мамул бўлиб эрдим, бу ишга ул боис бўлди”, дейди Навоий. Шунда Жомӣ “Инсон қимми хаёл қилиб эрдинг, бизга дақи қўргуз?” – деб сўроқ ташлайди. Ушбу саволнинг ўзиёқ инсонпарвар шоирнинг, халқ моли ва жонини зулукдай сўрган мансаб аҳлига муносабатини ниҳоятда аниқ ақс эттиради. Жомӣ мансабни эмас, мансабпарастликдан тугилажак бедодлик, ноинсофлик, разолаткорликларни қоралаган. Мартабада қўтарилиб, одамийликда буткул тубанлашган эркин-ихтиёрсиз гунаҳкорлар қиёфасида у миллат, салтанат таназзулини қўрган - дехқон, хунарданд меҳнатини ўйлаб эса қилига ёруғ ҳислар оқиб қолган.

Қуввати жону тан зи дехқон аст,



Кути руху бадан зи дехкон аст.

Гар наёбад жахон зи дехкон бахр,

Кахт хезад зи корхонаи дахр.

Мазмуни: Жону таннинг куч-қуввати дехкон эрур. Рух ва вужуднинг хайр-баракаси дехкондир. Агар дунё дехкон меҳнатидан бахра топмаса, корхонасида унинг кахатчилик кўпади.

Жомий тасаввуф илмининг чинакам билимдони, накшбандийлик тарикига мансуб шайх, мутасаввиф шоир. Лекин у жаҳолат, риё йўлига кирган сўфийлар билан ҳеч мураса қилмаган. Ҳақ висолига эришиш иддаоси ила ҳамма нарсани йигиштириб, сафсата сотишни қасб этиб олган сўфий ва дарвешларни шоир дехконнинг бир томчи терига ҳам арзитмайди:

Хазар аз сўфиёни шаҳру диёр,

Хама номардумону мардумхор.

Корашон гайри хобу хўрдан не,

Хечашон фикри рӯзи мурдан не.

Мазмуни: Шахру диёрдаги бу сӯфийлардан хазар кил. Уларнинг барчаси одамлик киёфасини унутган, одамлик шаънини хорлаган кимсалардир. Ейиш-ичиш ва ухлашдан бошка ташвишлари йўк. Хатто ўлимни одамдай каршилашни ҳам ўйлаб кўролмайдилар.

Халкни унутиб Хак дегувчи, бу дунёга нафрат ила бокиб охират саодатига кўз тикувчилар Жомий маслагидан йирок кимсалар эди. Бадбинлик, текинхўрлик, суратпарастлик, ортикча шикасталик, маънавий мутеликларга у асло ён беролмасди. Оллох ва пайгамбар, ишк ва соф виждон хукми ила яшаш тарафдори эди.

Замондошларининг ишоратлари, хусусан “Рашахот айнул хаёт” муаллифининг хабарларидан англашилишича, Жомий расмий тахсилени ниҳоясига етказиб, камолотга эришгач оила куришни ихтиёр этиб, пири Мавлоно Саъдиддин Кошгарийнинг кизига уйланиб, тўрт фарзанд кўрган. Тўнгич ўгли бор-йўги бир кунгина умр кечирган. Иккинчи ўгли Сафиуддин Мухаммад 1475 йилда таваллуд топган. Тўнгич чакалокнинг хаётдан тез кўз юмиши Жомийни бу ўгилга каттик боғлайди. Аммо бир йил ўтар-ўтмас у ҳам вафот килади. Албатта, бу мусибат шоир калбига фавкулодда ёмон таъсир ўтказади. Сафиуддин ўлимига бағишлаб у етти байтлик марсия ёзади. Унда шундай мисралар бор:

Рехтй хуни дил аз дидаи гирёни падар,

Рахи бар жони падар н-омадат, эй жони падар!

Мазмуни: отангнинг гирён кўзларидан юрак конларини окиздинг. Отанг жонидан жой олгандинг нечун келмадинг, эй отангнинг жони!

Алишер Навоий устози кўнглига тасалли бериш ва айрилик оташини пасайтириш максидида Сафиуддин вафотига бир таърих ёзади. Орадан икки йил ўтади. Жомийнинг ёши 63 га тўлгач, 1477 йил оилада учинчи фарзанд дунёга келади. Икки ўгилдан жудо бўлган ота-онанинг хасратдан кейинги шодлигини тасаввур килиш кийин эмас, албатта. Янги тугилган ўгилга Зиёуддин Юсуф деб ном кўйишади. 1486 йил Абдурахмон Жомий

хонадонида тўртинчи ўғил тугилади. Унга Захириддин Исо деб ном берилади. Каранги, у хам узок яшолмайди. Шоир биргина ўғил – Зиёуддин Юсуф билан қолади.

Зиёуддин Юсуф тўрт ёшда экан, шоир унга атаб 1481 йилда бир панднома ёзиб, уни “Тухфат ул-асрор” асарига киритади. Сўнг фарзандига мурожаат тарзида яна икки панднома яратади. Улар бугун хам таълим-тарбиявий ахамиятини айтарли бой бергани йўқ.

3

Абдурахмон Жомий серкирра ва сермахсул истеъдод сохиби. Илмда унинг асарлари сони эллиқдан ортиклиги кайд этилган. Жомий мумтоз шеъриятнинг газал, рубоий, китъа ва бошка жанрларида илхом билан ижод қилган. Ишк, ирфон, комиллик гоёларини у янгича муносабат, янгича оханг ва бўёқларда тасвирлаб берган. “Менинг шеърим, - дейди у, - ишк азоби ва кон ютишнинг баёнидир. Газал девони эмас улар, менинг қилган ишларим, чеккан гам-гуссаларим”.

Шеъри ман Жомий, баёни ишқу хун хўрдан бувад,

Ин на девони газал, девони аъмоли ман аст.

Шоирнинг қалб қолати, изтироб харорати, шахсий фазилатлари шеърда нечоғлик ёркинрок аксини топса, самимият ўшанча ортади. Шоир ҳамма нарсага инонтирса-ю, самимиятга, хусусан, дард ва изтироб самимийлигига инонтириб билмаса, қилган меҳнати бесамар. Анъанавий йўлда ижод қилишнинг қалтис жихатларидан бири ана шу. Қайси лирик жанрда қалам юритмасин, Жомий буни хисобга олган. Шунинг учун форс-тожик шеърияти Жомий тажрибалари тимсолида соддалик ва самимиятнинг янги марраларини ишғол айлаган эди дейиш мумкин.

Хаёт файзи, умрнинг сир-асрори, ишк хикмати, ошиклик гам-азоби, маъшуканинг нозу итоби, орифнинг сукути, гарибнинг хасрати, факирнинг шавки, юлдузларнинг чараклаши, гурубнинг махзунлиги, туннинг шукухи, самовотнинг чексизлиги – буларнинг бариси шеър. Турфа кўзли булоқларнинг шилдираши, денгизларнинг сокин шовуллаши, шамолларнинг кўшиги, япроқлар ва гулларнинг ўпишиши, булбулларнинг ноласи – бу мусика. Вахдати вужуд таълимотига таяниб Жомий ана шу хакикат, манзара ва мусикаларни инсон рухи, калби, тафаккур сирларини очишга хизмат килдиради. Авомга макбул, оломон савиясига мувофиқ тушадиган шеърни у сушт ва хом шеър деб хисоблаган:

Шеър, к-афтод кабули хотири ом,

Хос донад, ки сушт бошаду хом.

Газал, рубоий, китъа, таржиъбанд, таркиббанд жанридаги шеърлари Жомийнинг лирик салохиятини намоиш этган бўлса, дostonлари эпик махоратини кўрсатган. “Тухфат ул-ахрор” (“Хайрли кишилар тухфаси”), “Сибхат ул-аброр” (“Яхшилар тасбиhi”), “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандар”, “Соломон ва Абсол”, “Силсилат уз-захаб” сингари асарларида фалсафа, ахлоқ, ишк, ирфон ва тасаввуф, жамият ва сиёсат, шахс эрки ва салтанат сингари масалалардан бахс юритилган. Кейинчалик улар “Хафт авранг” (“Етти тахт”) номи остида бирлаштирилиб шухрат тутган.

Жомийнинг насрда ёзилган асарлари орасида “Бахористон” ва “Нафахот ул-унс” китоблари доимо кучли иштиёк билан ўкиб-ўрганилганини таъкидлаш лозим. Жомий “Рисолаи аруз”, “Рисолаи кофия”, “Рисолаи мусика”, “Шархи рубоиёт” каби бир неча илмий рисоаларнинг ҳам муаллифи. Буларнинг хар бири учун Жомий захмат чеккан, кўз нуруни сарфлаган. Табиийки, хар бирида бир ихтирони кўзлаган.

Башарият қадим Шарқдан ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди. Шарқ барча буюқ динларга бешик. Жаҳондаги энг мухташам маданият, илм-фан қошоналари дастлаб Шарқда бино этилган. Адабиёт, санъат, мусика орқали ўзни танишни инсон илк бора машриқзаминда амалга оширган.

Хуллас, айтса-айтгулик ҳақиқат ва ходисотлар кўп. Уларга эришиш қандай кечган? Деярли бирортаси ҳам енгил ва осон бўлмаган. Ҳаммасининг ортида машаққат, фидоийлик, азоб-укубат ва шижоат яшириндир.

Маълумки, Шарқ оламида тожу тахт, ижтимоий-сиёсий жангу жадаллардан ташқари, мазҳаб, тариқат олишувлари ҳам қулоч ёзган. Булар ҳам етмаганидек, олиму уламолар ўзаро масала талашган: баъзан яққа холда, кўпинча гуруҳ-гуруҳ бўлиб найзабозлик қилинган.

Имом Газзолий ҳазратлари ислом оламининг фахру ифтихори мақомига юксалиб, жаҳонга довруғ таратган аллома. Бироқ ул зотнинг гоёта кескинлик ва муросасизлик билан Форобий ва Ибн Синони қоралашларини англаш барибир қийин. Худди шунингдек, Ибн Рушднинг Газзолий танқидига қаратилган сўзларидан таажжубланмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Фикр-қарашлари дин, шарият, сиёсат “тарозу”сига тўғри келмай қолган мутасаввиф, шоир, олимларни қуфр ва исёнда айблаш Шарқнинг айтарли барча ўлкаларида бир урф тусини олган. Боязид Бистомий, Ибн Сино, Ибн Арабий, Насимий... Булар қабил юзлаб буюқ сиймоларнинг исми шарифига “қофир” тамғаси босилган. Холбуки, уларнинг ҳар бири инсониятнинг билимдон, ҳурфикрли фарзандлари эди. Қилич ва милтиққа очик қўлни қурол ўларок қарши кўтариб бўлмаганидек, жаҳолат, ғумрохлик ва ёвузлик бало-қазоларини қаратган илм ё маърифат билан енгмоқ душвордир. Хайвон ғулшанни босиб, янчиб топтагани сингари илмсизлик, нодонлик ирфон бўстонини пайхон этади. Аҳмад Яссавий бежиз:

Нодонлардан қочиб ер остига қирдим мано,

демаган. Ёмонлик ва жаҳолатга қарши туришда Абдурахмон Жомий нисбатан ўзгача йўл танлаган. Аввало шуни қайд этмоқ жоизки, Жомий биров тўғрисида ноҳақ сўз айтмаган, душманлик, ҳусумат қайфиятини умрида қўнғлига йўлатмаган. Боз устига, юқорида эслатилганидек, ғанимлик, адоват ўчоғи бўлмиш амалдорлик муҳитига умуман қадам қўймаган. Аслида бундай одамда душман ва душманлик бўлмаслиги керак. Эл-юрт тақдирига қўйинган, дину диёнат, илму маърифат деган ҳар бир киши у шохми, ғадоми,

олим ё ижодкори – барча-барчаси Жомий каршисида таъзимга бош эгган. Ва буни ўзи учун зўр шараф билган. Жомий оддий, бегараз, самимий, меҳнаткаш ва иқтидорли одамларни кўнглига нечоғлик яқин олса, хирсу хавога кул мансабдор, онг ва идроки куриб-какшаган диндор, риёкор сўфий, талантсиз, бироқ ашаддий худбин ва шухратпараст шоиру уламолардан ўзини ўшанча йирок тутарди. Навоий учун Жомийни, Жомий учун Навоийни ёмон кўриб, гоҳ ошкора, гоҳ пинхона игво, фитна, тухмат тўқийдиганлар эса канчадан-канча эди. Улардан баъзиларининг “табаррук” номлари хатто ихчам шаклдаги шеърларда ҳам очик тилга олинган. Эски баёзлардан бирига киритилган мана бу рубоийни ўқинг:

Кохию Гизолий он ду лояъкили маст,

Дар гайбати Жомию Навой зада даст,

Дар дахр касе ба мисли эшон нагузашт,

Кохй, чу хас асту хам Гизолий чу саг аст.

Мазмуни: Кохию Гизолий Жомий ва Навоийга гайбат кўлини чўзган икки ақлсиз мастдир. Дунёда уларга ўхшайдиган бирор кимса ўтган эмас. Кохий бамисоли бир хас бўлса, Гизолий бир итдир. Навоий ва Жомийга тиш кайраган, ташланишга кулай вазият пойлайдиган бундай кимсалар шоир, олим, давлат одамлари орасида оз эмасди.

Жомий Самарканддалиги пайтида бир неча уламолар уни кофир деб эълон қилиш талабини ўртага ташлашган. Асарларидаги баъзи тушунчаларни илиб олиб, Жомийни кимлардир шиа мазхабига ён беришда, шиалик вакиллари уни ўз мазхабларининг душмани дея танитишга уринишган. Лекин Жомийнинг панжасига панжа уриш, Жомийни таслим айлаш – бу хазилакам иш бўлмаган. Игво ташаббускорларига шоирнинг шеърий жавоби мана бундай эди:

Эй мугбачаи дахр, бидех жоми маям,

К-омад зи низои шеаву сунй каям.

Гуянд, ки Жомий, чи мазхаб дори?

Сад шукр, ки саги суннию хари шеи наям.

Мазмуни: Эй дахр мугбачаси, жоми майимни узатгил. Шиаву сунний жанжалидан безор бўлдим. Агар “Жомий, сен кайси мазхабдасан?” деб сўрасалар, айтурман: “Юз шукрки, сунний ити, шианинг эшаги эмасман”.

Шоир 1472 йилда Хижозга сафар килганида “Силсилат уз-захаб” достонидаги баъзи байтларни дастак килиб, Багдоддаги мухташам бир мадрасада ўтказилган йигинда уни савол-сўроққа тутадилар. Бирок ҳеч нима натижага эришолмайдилар. “Ногахон мени рафзга (шиага) нисбат бермасинлар дея Хуросон суннийларидан кўркардим. Лекин Багдодда равофизнинг жафосига йўликишни каендан билибмиз”, деган экан ўшанда Жомий. Лекин бундан-да кабиҳ ва дахшатли ходисалар бўлиши мавлононинг тушига ҳам кирмагандир.

Жомий 1492 йил ноябрь ойида 78 ёшида хаётдан кўз юмади. Бундай улуг ва бетимсол зотларнинг вафоти – хаётдаги энг огир айрилик, улкан йўқотишдир. Жомий сингари шахсларнинг кабрига жасад билан бирга бошка ҳеч қачон топиб, ҳеч вақт кайтариб бўлмас маъно ва тафаккур маҳзани ҳам дафн этилади. Уларнинг хаётдаги ўрни ҳам, маънавий мавқеи ҳам ўлган кунидан бошлаб гоятда аниқ билинади. Чунки улар етган тафаккур юксаклигига ўзга биров етолмайди, улар килган ишни айни тарзда бошка биров эпполмайди. Хирот-Хирот бўлиб Жомийникидай буюк хижрон маъракасани кам кўрган бўлса керак. Алишер Навоийнинг ёзишича, Хуросону Хирот ахли бутун йил мобайнида мотам тутади. Сўнг йил оши берилади. Бу маъракага ҳам Хусайн Бойкаро бош бўлиб, уни эъзозу эҳтиром ила ўтказади. Кабр бошида хашаматли макбара курилиб, махсус ходимлар тайинланади. 1510 йил Исмоил Сафавий кўшинлари Хиротга бостириб киришади. Боскин нишонларидан бири Хазрати Жомий кабри эди.

“Исмоил Сафавийнинг улуг шоир Мавлоно Абдурахмон Жомийга нисбатан кўрсатган

беҳурматлигини, - деб ёзади академик шоир Гафур Гулом, - адабиёт тарихи хали хам унутмайди... Шох Исмоил: “Агар Хирот менинг кўлимга кирса, Жомийни тириклайин тутолсам, ўтда куйдираман, ўлган бўлса гўридан чикариб, устухонларини куйдираман”, - деган эди. Исмоилнинг бу касамидан хиротликлар хабардор эди. Сафавий Хиротни эгалламасдан бурун Жомийнинг ўгли Зиёвуддин Юсуф бошлик бир неча мухлислари Жомийни ва устози Саъдиддин Кошгарийнинг сўнгакларини гўрдан казиб чикариб, душман кўли етмайдиган холирок бир жойга элтиб, яширинча, вақтинча кўмган эдилар”.

Жасад топилмаса хам шоир макбарасига барибир ўт кўйилганди. Бу воқеага шохид Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Сафавий аскарлари бошчилигидаги қарийб ўн минг киши мазор томон юришади. Ўша атрофдан канча тахта, эшик, курси, ўтин топган бўлсалар, барини Жомий қабри устига ташлаб, сўнг ёкиб юборадилар. Бу ваҳшийликни изохлашга ҳожат йўқ, албатта. Бирок бир қатор оғрикли саволларга жавоб топгинг келади. Бу дунёда ўзи қандай яшаш керак? Нега буюк Шахсларнинг қисмати кулфат, гам-гусса билан лиммо-лим тўла? Одам Атодан бошлаб пайгамбарлар ва дин улугларининг бошларига келган фалокатларни хотирланг: Ҳазрати Одам жаннат неъматларидан маҳрум этилган; Иброҳим Халилуллоҳга ўглининг бошини кесиш амр қилинган; Яъқуб алайҳиссалом ўғлидан ажралиб аччик-аччик кўз ёш тўккан; Ҳазрати Юсуф қудук ичида балоларга гирифтор бўлган; Муаммад алайҳиссаломнинг оёқлари Тоифда қонга беланиб, Ухуд қуни тишлари синдирилган; Абу Бакр захарлаб ўлдирилган; Умар шаҳид этилган; Қуръони қаримни жамлаган Усмон толеи хам шундай бўлган; Ҳазрати Али қилич зарбидан ўлган; Ҳасан захарланиб, Хусайннинг боши қесилган... Нечун бундай? Оллоҳ ҳақиқатда хам севган бандаларига қайғу ва жафони раво кўради? Мутасаввифларга кўра, “Оллоҳ сўнгсиз лутф соҳиби бўлганлиги боис, ёмонлик ундан эмас, ашёдан юзага келади. Иноят Оллоҳнинг инсонларни ёмонликдан муҳофаза этишдаги лутфидир. Бизни яхшилик ва мукамалликка йўналтирадиган – бу ёмонликнинг мувжудлиги.

Мавлоно Жалолиддин Румий муаммони янада ойдинлаштириб, бутун масъулиятни инсон зиммасига юклайди:

Олам аз мо хаст шуд н-е мо аз ў

Бода аз мо маст шуд н-е мо аз ў.

Мазмуни: Олам биздан пайдо бўлди, биз ундан эмас. Бода биздан маст бўлди, биз ундан



эмас.

Дархакикат, инсон хар нарса учун ўлчов ва мезондир. У ўзгартиради, тахлил килади, хукм юритади, хакамлик этади, нигоҳдан ўтказади, муҳофаза айлайди. Бир-бировини эъзозлаб, мадх қилган ҳам удир, тахқирлаб, қийнаган ҳам у. Ранг, оханг, шодлик, таназзул ва тараккиёт, фикр ва ҳаёл, умид ва умидсизлик – ҳаммаси инсон олами. Инсон маъно ва моҳиятдир. Жомий ижодиётида ранг-баранг шаклларда теран ёритилган бош хакикат ҳам худди шу.

Пайи он рав, ки орифи маънист,

Марди ориф ба дўстӣ авлист.

Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижодиёти дунёнинг қатор мамлакатларида кўплаб олимлар томонидан ўрганилган, асарларидан намуналар гарб ва шарқнинг турли тилларига таржима қилинган. Жомийшунослик айниқса XX асрда Россия, Эрон, Тожикистон, Озарбойжонда анча тараккий топган. Бу ўринда Е.Э.Бертельс, А.Хикмат, А.Мирзаев, А.Насриддинов, А.Афсаҳзод, М.Ражабов, А.Сатторов, А.Ғулиев каби рус, эрон, тожик ва озар олимларининг тадқиқотларини эслатиб ўтиш мумкин. Жомийшунослик бўйича Ўзбекистонда ҳам бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган. Абдурахмон Жомий ижодиёти муҳиблари таникли олимлар П.Шамсиев, Ш.Шомухамедов, А.Хайитметов, А.Қаюмов, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Р.Воҳидов, С.Ғаниева, Х.Ҳомидий ва бошқаларнинг мақола, рисолаларидан, шунингдек, алоҳида илмий тўпламлардан яхши хабардордирлар, деб ўйлаймиз. Ўзбек китобхони неча ўн йиллардан буён Жомий адабий меросидан сараланган лирик шеърлар, айрим дoston (баъзилари парча холида) ва насрий асарларни она тилида ўқишга муваффақ бўлишган.

Ҳазрат Жомийнинг маъно дуру гавхарлари билан тўлиб-тошган ижод хазинаси бизга нечоғлик кадрли бўлса, унинг Алишер Навоий билан дўстлиги, устоз-шогирдлиги шу даражада эътиборли ва эҳтиромлидир. Бу – халқлар, адабиётлар, илм-фан, маданиятлар тарихида ниҳоятда сийрак учрайдиган ҳодиса. Жомий ва Навоийга ўхшаб дунёқараши – дунёқарашига, шахсияти – шахсиятига, маслағи – маслағига боғланиб, ижодиёти ва маҳорати ўзаро уйғунлик қасб этган икки миллат, икки адабиёт вакилини тасаввурга келтириш қийин. Асарларида Навоий Жомий таърифиди, Жомий Навоий мадҳида сўз юритар экан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам гўё бир тафаккур иклимида нафас олиб, бир дард ва шодлик гулшанида кезиб улуг истеъдод, мислсиз бадиий ихтироларни

шарафлаётганга ўхшайди. Навоийнинг Жомийга, Жомийнинг Навоийга калб якинлиги, меҳр-мухаббати, ишончи қандай бўлган бўлса, дахл этмасдан уларга худди ўшандок ўрганиш, бир ёклама, майда ёки хавойи фикр-қарашлардан қутулиб, ҳақиқатни сўзлаш лозим. Жомий ижодиётини ўқиб-ўрганмай, Навоий шаънига мадҳия тўқиш тарихий, ҳаётий, бадий ҳақиқатга қанчалик зид бўлса, Навоий даҳосининг қуч-қувватини ҳис қилмай, ижодиётининг моҳият оламига қириб бормай Жомийнинг Навоийга таъсири ҳусусида мувоҳаса бошлаш шунчалик бемаънилиқдир. Биз истаймизми, истамаймизми, Навоий Жомийга, Жомий Навоийга беҳад якин – шахсиятда ҳам, ижодиётда ҳам. Бунга иқрор бўлиш учун фаҳм-фаросати жойида кишига биргина китоб – “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”ни ўқиб, мағзини англашга эришмоқ кифоя.

Илм-маърифатли халқ қимни севиш, қимларга ишониш, нимани ардоқлаш, нимага интилишни билишда унчалик хато қилмайди. Абдурахмон Жомийнинг илмий-адабий мероси қадим-қадимдан ўзбек халқини қизиқтирган, ўқиб-ўрганишга иштиёқ уйғотиб келган. Ўн бешинчи ва ундан кейинги асрларда адабиётда ном қозongan бирор бир шоиримиз йўқки, Жомий шеърият мактабидан сабоқ олмаган бўлсин. Бу – тўхтаб қолмайдиган жараён. Бу – маҳдудлик, яқравлик, ҳар турли товламачилиқдан ҳамиша қолиб қолмайдиган интилиш. Азиз ўқувчи! Қўлингиздаги ушбу китоб бунинг ёркин бир далили ва исботидир. Улуғ шоир девонларидан сараланган шеърлардан тарқиб топган бу мажмуа адабиётсевар бир тадбиркор ташаббуси ва ҳомийлигида нашр этилди. Газалларни Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, бошқа жанрдаги шеърларни филология фанлари номзоди, малакали таржимон Эргаш Очил ўзбекчага ағдарди. Мен таржималарга алоҳида тўхталмадим. Чунки бунга зарурат сезилмади. Ўйлайманки, ўқувчилар ҳам, мутахассислар ҳам таржимонлар меҳнатига ҳолис, демакки юқори баҳо беришади.

Хуллас, Ҳазрат Жомийнинг “Жаҳонда китобдин яхши ёр бўлмас”, деган гаплари яна бир қарра тасдиғини топар, деб умид қиламиз.